

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ ВА ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Шухратов Шерзоджон Шухратович

*Навоий Давлат педагогика институти ижтимоий фанлар кафедрасининг
мустақил тадқиқотчиси. Тел:+99891-332-33-26 Ўзбекистон. Навоий вилояти.*

Навоий шаҳри.

Аннотация: Мақолада ёшлар тарбиясини юксалтиришда фуқаролик маданиятининг ўрни таҳлил қилинди. Фуқаролик маданиятининг мазмун-моҳияти очиб берилди. Ёшлар тарбияси ва фуқаролик маданияти билан узвий боғлиқлиги қиёсий ўрганилди. Фуқаролик жамияти қуришда фуқаролар фаоллиги асосий рол ўйнаши, бунда фуқаролик маданияти мезон бўлиб хизмат қилиши ёритилди.

Калит сўзлар: Ёшларда фуқаролик маданиятини шакллантириш, фуқаролик маданиятининг ижтимоий таҳлили, фуқаролик тарбияси.

Аннотация: В статье проанализирована роль гражданской культуры в совершенствовании образования молодежи. Раскрыта сущность гражданской культуры. Сравнительно изучена интегральная связь образования молодежи и гражданской культуры. Подчеркивалось, что гражданская активность играет ключевую роль в построении гражданского общества, а критерием служит гражданская культура.

Ключевые слова: Формирование гражданской культуры у молодежи, социальный анализ гражданской культуры, гражданское образование.

Annotation: The article analyzed the role of civic culture in improving youth education. The essence of civic culture was revealed. The integral connection with youth education and civil culture was studied comparatively. It was highlighted that citizen activity plays a key role in building a civil society, and that civil culture serves as a criterion.

Key words: Formation of civil culture in young people, social analysis of civil culture, civil education.

Тарбия - шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради. Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шакллана боради, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади. Янги Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган миллий истиқлол ғояси фуқароларни Республика Конституциясида эътироф этилган

инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишдек езгу мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Ҳар бир фуқаронинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини юзага келтириш, ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш – фуқаролик (ҳуқуқий) жамиятнинг асосий талаби саналади.

Инсон ривожланишининг мотивациясида ижтимоий фаоллик унинг мафкурага, ҳуқуқ ва ахлоққа муносабати ёрқин ўз ифодасини топган. Мотивлар инсон фаолиятида ва ҳар бир ҳаракатида бу муносабатлар ўз таъсирини ўтказди. Бу эса инсон маънавияти ривожланишининг мотивациясида жуда муҳим моҳият касб этади⁴⁶.

Жамият томонидан қонунчилик йўли билан белгиланган талаблар фуқаролар хулқини баҳолаш, хатти-ҳаракатлари моҳиятини таҳлил қилиш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ фуқароларнинг хулқ-атворидаги айрим кўринишлар, ҳаракатлар ёки одатлар маъқулланади ёки қораланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мақсади эркин, демократик, инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва жамиятни қуришдир. Бу жамиятни бунёд этиш жараёнида янги ижтимоий фуқаролик тарбиясини ташкил этиш вазифаларини янада мураккаблаштиради.

Зеро, демократик, ҳуқуқий жамият барпо етилишининг муваффақияти фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онглилик даражаси, фуқаролик фазилатларининг қарор топганлиги ва ижтимоий фаоллик кўрсаткичларига боғлиқ.

Фуқароликнинг ижтимоий асоси янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, унда фуқароларнинг шахсий манфаати жамият манфаати билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади. Миллий ва умуминсоний қадриятлар мазмунида акс этган ғоялар, демократик талаблар ҳамда ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ фаолият юритиш ижтимоий фуқаролик муносабатларининг муҳим қоидасига айланади.

Қадимги Шарқ фалсафаси, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида «бирорта таълимот, мактаб, жамият ва давлатни бошқариш, борлиқни такомиллаштириш, Осмон билан Ер ўртасида ва кишилараро муносабатларда камолотга эришиш инсонни маънавий такомиллаштиришга, унинг тарихий-маданий тажрибаларга содиқлигига боғлиқлигини конфуцийлик каби изчиллик ва собирлик билан ҳимоя қилмаган»⁴⁷. Конфуций фикрича, «Агар киши бошқарув ишларида ўзига раво кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўрмаса, бошқалар томонидан оиласида ҳам, давлатда ҳам душманлик кўрмайди». Конфуцийликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидаги

⁴⁶ Бозоров З.А. фуқаролик маданиятини ривожлантириш – талабаларнинг шахс сифатида шаклланишининг муҳим омили. <https://www.intereuroconf.com/index.php/DESH/article/download/1339/1077/1071>.

⁴⁷ Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.– Б. 52.

ҳикматлари ҳам диққатга сазовордир. «Хукмдор – хукмдор бўлсин, хизматкор – хизматкор, ота – ота бўлсин, ўғил – ўғил»⁴⁸ деган қоида конфуцийлик сиёсий-фалсафий таълимотининг негизини ташкил этади. Ҳар бир киши жамиятда ўз ўрнини билиши, ўз иқтидорига мувофиқ меҳнат қилиб яшаши зарур.

Фуқаролик тарбияси фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англатиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият манфаатлари йўлида курашувчи фуқаролар қилиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён дир.

Фуқаролик тарбиясининг марказий объекти фуқаро саналади. Фуқаро фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс дир. Фуқаролик эса ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онглириоя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажаришга масъуллик билан ёндашув, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансублик дир. Фуқаролик тарбиясининг вазибалари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

1. Ёш авлодни доимий равишда жамиятда устувор мавқега эга бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга ўргатиб бориш.

2. Ёшларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериб бориш, уларда фуқаролик фаолиятини ташкил этиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.

3. Ёшларда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни қарор топтириш, Республика Президенти шаъни, ор-номусини ҳимоя қилишга тайёрлик ҳиссини шакллантириш.

4. Ёшларда халқ ўтмиши, миллий қадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиш, улардан ғурурланиш, фахрланиш ва ифтихор ҳисларини ошириш.

5. Ватан, халқ ва миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштира олишга эришиш, фидоий фуқарони тарбиялаб вояга етказиш.

6. Ватан, юрт озодлиги ва мустақиллигини эъзозловчи, ардоқловчи, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқарони тарбиялаш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш. Ёшларнинг фуқаролик тарбиясини ташкил этишда шахсга давлат Конституциясида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажариш хусусида маълумотлар бериш, уларда ижтимоий фаолиятни ташкил этишда ҳуқуқлардан фойдаланиш ва бурчларни бажариш бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ дир.

⁴⁸ Древнекитайская философия. Т.1. – М.: Мысль, 1972. – С. 144.